Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 19 август, шанба. №100 (21.863.) Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҒУЗОР-БОЙСУН-ҚУМҚЎРҒОН (ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ) ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ВА ҚУРИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фойдали қазилмалар конларини комплекс ўзлаштириш, темир йўлда юк ташишнинг таранспорт таъминотини яхшилаш, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг янги минтақалари ишлаб чиқариш ва ижтимоий вазифаларини ҳал этиш, Ўзбекистон Республикасининг ягона темир йўл тармоғини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

қарор қилади:

1. Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон (Қизил Октябрь) йўналишида истиқболда электрлаштириш ҳисобга олинган ҳолда янги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

лойиҳалаштириш ва қуришнинг бошланиши ва тугалланиши муддатлари —1995-2000 йиллардир;

қурилишнинг буюртмачиси — «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акционерлик компаниясидир;

ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган объектлар қурилиши бўйича бош пудратчи — «Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмаси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа пудрат ташкилотларидир.

Лойиҳа қидирув ишларини бажариш учун Қозоғистон Республикасининг лойиҳа институтларини жалб этиш тавсия қилинсин.

3. «Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси, Алоқа вазирлиги бош пудратчилар ҳуқуқи билан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акционерлик компаниясининг топшириғи бўйича электр узатиш, газ ва нефть қувурлари, алоқа ва бошқа муҳандислик коммуникациялари қурилмаларининг мавжуд линияларини кўчириш ва янгиларини қуришни буюртмачининг маблағлари ҳисобидан белгиланган муддатларда таъминласинлар.

4. «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1995-2000 йилларга мўлжалланган капитал қурилиш прогнозида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акционерлик компаниясига янги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуриш учун республика бюджетидан зарур сармоя маблағлари ажратилишини назарда тутсинлар.

5. Ўзбекистон Республикасининг акционерлик-тижорат банкларига объектни лойиҳалаштириш ва қуришни маблағ билан таъминлашни амалда бажарилган ишлар ҳажми бўйича имтиёзли шартларда амалга ошириш тавсия этилсин.

6. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари: «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акционерлик компанияси билан биргаликда темир йўл линиялари, муҳандислик ва транспорт коммуникациялари қурилиши, қурилишнинг бошқа объектлари учун ер майдонлари ажратишни белгиланган тартибда амалга оширсинлар.

«Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмаси билан биргаликда қурилишга жалб этилган ходимларнинг ижтимоий-маиший шароитларини, уларнинг жойлашиши, овқатланишини таъминласинлар;

темир йўл линияси қурилишига қурилиш бўлинмаларини уларнинг механизмлари ва одам ресурслари билан жалб этиш имкониятини кўриб чиқсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон (Қизил Октябрь) янги темир йўл линияси қурилиши асосий лойиҳа ечимларининг атроф муҳитга таъсирини баҳолашни экологик экспертизадан ўтказсин ҳамда хулоса тайёрласин.

8. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акционерлик компанияси, «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси асосий лойиҳа ечимлари экспертизасини амалга оширсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

9. Истиқболда электрлаштириш ҳисобга олинган ҳолда Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон (Қизил Октябрь) янги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуришни амалга ошириш давлат мақсадли дастури деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Р.Юнусов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 17 август.

ҚУТЛУҒ БАЙРАМ АРАФАСИДА

Мустақиллик байрами арафасида Қўқон спирт ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. Шу муносабат билан бу ерда тантанали митинг бўлди. Уни Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов очди.

Митингда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди. Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги байрами арафасида бу улкан заводнинг ишга туширилиши мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида катта воқеадир, деди у. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов олдимизга халқ хўжалигининг барча устивор соҳаларида мустақилликка эришиш вазифасини қўйган. Ана шу мақсадда Асака ва Дўстликда автомобиль заводлари, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи, Қувасойдаги шиша ишлаб чиқариш заводи каби ўнлаб улкан иншоотлар барпо этилмоқда.

Бугун ишга туширилаётган завод ҳам ана шундай муҳим қурилишлар сирасига киради. Ҳозирда Ўзбекистон халқ хўжалигининг спиртга бўлган эҳтиёжи деярли 6 миллион деколитрни ташкил этади. Унинг 4 миллиони валюта эвазига четдан олиб келинмоқда. Биз бу ҳолга барҳам бериш чораларини кўрмоқдамиз. Шу маънода йилига 1,83 миллион деколитр спирт ишлаб чиқарадиган мазкур завод маҳсулотининг ўзигина республика эҳтиёжининг қарийб учдан бир қисмини қондириш имконини беради.

Митингда сўзга чиққанлар ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодий мустақилликка эришиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаётганликларини баён этдилар.

Алвон лента қирқилади. И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Ў. Исмоилов, митингда қатнашган шаҳар жамоатчилиги вакиллари ва меҳмонлар заводнинг ишлаб чиқариш цехларида бўлиб, иш жараёнларини кўздан кечирдилар, мутахассислар ва ишчилар билан суҳбатлашдилар.

***

Шу куни Қўқон шаҳрида истиқлолнинг 4 йиллигига атаб бунёд этилган «Чорсу» савдо мажмуи ҳам очилди. Бу ерда Қўқон нон маҳсулотлари комбинатининг фирма дўкони, миллий меъморчилик анъаналари асосида қурилган муҳташам чойхона, ошхона ва савдо расталари аҳолига хизмат қилади.

Маросимда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қатнашди.

(ЎзА).

ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Жарқўрғон туманидаги Тўхта Шабуров номли жамоа хўжалигида пахтани қўлда териш бошланди. Эрта баҳорда экилган 923 гектар майдондаги ғўза чаноқларида пахта қийғос бўлиб очилди.

Жорий йилда жамоа хўжалиги далаларида ингичка толали «АН-25» ва ўрта толали «Наманган-77» навли ғўзалар ўстирилди. Ғўзаларга пухта ишлов берилиб, ўз вақтида суғорилганлиги туфайли ўтган йилдагидан бир неча кун илгари пишиб етилди.

Ушба мавсумда пахтакорлар 3540 тонна «оқ олтин» териб олишни кўзда тутмоқдалар. Ҳар гектар майдондан 38,2 центнердан ҳосил кўтариш мўлжалланяпти. Мажбурият эса гектаридан 41 центнер. Оппоқ бўлиб очилиб турган чаноқлар далаларда мўл ҳосил етиштирилганидан, тез кунларда бободеҳқонлар берган ваъдаларининг устидан чиқишидан дарак бериб турибди.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор теримчи Муҳаббат ИКРОМОВА. 2. Бригадир Шерали ЖОННАЗАРОВ.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Газетанинг аввалги сонида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши таниқли олимлар, адиблар ва партия фаолларидан иборат тарғиботчилар гуруҳларини тузганлигини, улар Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 4 йиллиги муносабати билан партиямиз ташкилотларининг жойларда ҳокимликлар билан биргаликда ўтказилаётган оммавий-сиёсий тадбирларида иштирок этиш учун вилоятларга жўнаб кетганликлари хабар қилинган эди.

Шундай гуруҳлардан бири ўзининг Қорақалпоғистон Республикасидаги дастлабки учрашувини Хўжайлида ҳокимлик ходимлари, тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва жамоа хўжаликларининг раҳбарлари, партиямиз фаоллари билан ўтказди. Гуруҳ аъзоларидан: Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, йирик адабиётшунос олим М. Қўшчонов, Ўзбекистон Республикаси ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори ўринбосари, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор М. Файзиев, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлими мудири, фалсафа фанлари номзоди З. Давронов, «Голос Узбекистана» газетаси бош муҳаррири Б. Шарипов йиғилганларга Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат, юртбошимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китоби, диёримизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифалари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари ва сиёсий фаолияти ҳақида атрофлича фикр юритдилар.

Бўлиб ўтган мулоқотда иштирок этган Ойбек номли жамоа хўжалиги раиси Ў. Давлатмуродов, «Қумжиқин» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Х. Шербоев, «Кўлоб» овули йиғини оқсоқоли С. Собиров, чорвачилик ижара мажмуи раиси С. Ираев, Хўжайли тумани ҳокими С. Нурхўжаев, ЎзХДП туман кенгаши биринчи котиби Р. Зоировалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсати йўлини тўла маъқулладилар. Улар туман меҳнаткашлари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи ҳам муваффақиятли бўлиши учун жойларда қилинаётган ишлар тўғрисида гапирдилар.

Шу куни ЎзХДП МКнинг тарғиботчилар гуруҳи аъзолари Хўжайлидаги «Эргаш» хусусий фирмаси ишчилари ҳузурида бўлиб, йиғилганлар билан қизғин суҳбат қурдилар. Маълумки, мазкур жамоа туманда иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Шу кунларда бу ерда кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилиб, чойхона, дўкон, новвойхона, бозорча каби бир қатор маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари бунёд этилмоқда. Ушбу учрашув ҳам самимий мулоқот руҳида ўтди.

Учрашувларда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби А. Асанов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

БУ ЕРДА ЎЗИГА ХОС УСУЛДА УЙ ҚУРИЛМОҚДА

Бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон йўли хусусиятлари ҳақида

Сўнгги йилларда собиқ СССР ҳудудида сиёсатчилар ва олимларнинг нутқларида «макроиқтисодиёт» сўзи худди дуо каби янграмоқда. Оддий кишиларни фақат оқилона макроиқтисодиётгина тангликни тез бартараф этиш имконини беради ва ҳаммамизнинг яхши яшашимизга имконият туғилади, деб зўр бериб ишонтиришмоқда. Кўп одамлар бу гапларга ишониб, сайловларда бўлажак «макросиёсатчилар»га овоз бермоқда ёки пулларини гўёки халқ хўжалигининг янги самарали хусусий сектори қарор топаётганининг белгиси бўлган кўп сонли «эҳромлар»га қўймоқда.

Бундай вазиятда ҳамиша савол бериш истаги туғилади: сиз қандай макросиёсатга кўпроқ ишонасиз? Гайдарчилар сиёсатигами ёки Федоровчилар сиёсатигами? Шаталинчилар сиёсатигами ёки Явлинскийлар сиёсатигами? Америка макросиёсатигами ёки Германияникигами? Хитой макросиёсатигами ёки Жанубий Корея сиёсатигами? Балки, турли мамлакатларда турлича талқин қилинаётган бу сиёсатнинг ўнлаб бошқа йўналишларига ишонарсиз?

Макроиқтисодиёт фан сифатида бир хил қоидаларни таклиф қилмайди ва аниқ бир мамлакат миллий иқтисодиётидаги бўҳронни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб бермайди. У фақат иқтисодий талабларнинг ўзгаришлари сабабларини изоҳлаб беришга, иқтисодий жараёнларни бошқариш ва барқарорлаштириш мақсадида сиёсий қарорларнинг оқибатларини олдиндан айтиб беришга ҳаракат қилади. Фанда ҳали миллий иқтисодиётнинг мутаносиб бўлишини ва муттасил юксалишини таъминлайдиган ягона ва ҳаммага маъқул бўладиган макроиқтисодий модел яратилган эмас. Шунга қарамай, бу хусусда кўп жилдли асарлар эълон қилинганки, жаҳондаги юзлаб мамлакатларнинг сиёсий арбоблари шу китобларга амал қилади.

Буни март ойида Копенгагенда БМТ ҳомийлигида бўлган 130 дан ортиқ мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқлари ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарларининг учрашуви тасдиқлаб турибди. Анжуман жаҳон хўжалигининг энг муҳим муаммосига — инсониятни ижтимоий юксалтириш муаммосига бағишланди. БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий шу ҳақда гапириб, XX асрнинг иккинчи ярмида дунё моддий соҳада мислсиз юксалишининг гувоҳи бўлганини таъкидлади. Бироқ, ҳозирги пайтда тараққиёт соҳасидаги барча саъй-ҳаракатлар умуман кутилган ўзгаришларга олиб келмагани равшан бўлиб қолди. Ҳозирги пайтда жаҳондаги ўзгаришларнинг улканлиги ва шиддатлилиги фақат ҳайрон қоларли даражадаги тараққиётнинг манбаи бўлибгина қолмай, шу билан бирга, ўта ночорликнинг ҳам манбаидир. Бу ҳақда Б. Ғолий аниқ рақамларни келтирди: сўнгги йилларда бойлар ва камбағаллар даромадлари даражасининг нисбати ошиб, 1960 йилдаги 13:1 дан бу ўн йилликда 60:1 га етди.

«Казарма» коммунизмининг сунъий шароитида яшашга, озиқ-овқат нисбатан арзон бўлиб, бошқа ҳамма нарса тақчиллигига ўрганиб қолган, энди эса, бирданига бозор шароитига тушиб қолган кўп одамлар олдинги неъматларни қўмсаб ачинмоқда ва ҳозирги қийинчиликлардан нолимоқда. Бироқ, улар ер юзида турмуш даражаси биздагидан паст турадиган халқлар борлигини ҳисобга олишлари лозим. Гап фақат Осиё ва Африкадаги қолоқ мамлакатлар тўғрисидагина эмас, шу билан бирга Марказий ва Шарқий Европадаги илгари фаровон ҳисобланган, ҳозир эса, ўн миллионлаб одамлар арзимас даражадаги маошларини ёки нафақани энг зарур эҳтиёжларга — қишлоқ хўжалиги тобора кам етказиб бераётган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга сарфлаб, қашшоқликда яшаётган давлатлар ҳақида бормоқда.

Бозор тусидаги иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятини кўп жиҳатдан хилма-хил омиллар, ва, биринчи навбатда, халқнинг шу ўзгартишларни амалга оширишга ирода ва интилиши, шунингдек ҳукуматнинг макроиқтисодий стратегияси, унинг иқтисодиётда ижобий силжишларга эришишларга қатъиятини белгилайди. Шу жиҳатдан қараганда, сўнгги йилларда ҳамма мамлакатларда ҳам муваффақиятга эришилди, деб бўлмайди. Муваффақиятли ривожланаётган давлат сифатида Гонконг, Сингапур, Тайван, Жанубий Корея, шунингдек Чили, Мексика, Миср, Тунис, Туркия ва бошқа айрим давлатларни кўрсатиш мумкин.

Айни пайтда кўп давлатларда изчиллик билан амалга оширилмаётган бозор ислоҳотлари сезиларли натижа бермади.

Жаҳон банки маълумотларига қараганда, 90-йилларда даромад кам ва ўртача даражада бўлган мамлакатларда аҳоли жон бошига ички ялпи маҳсулот муттасил камайиб борди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот Саҳрои Кабирнинг жанубида жойлашган Африка мамлакатларида айниқса тез камайди. Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларида аҳолининг даромадлари кўпаймади, деса бўлади. Лекин Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида, собиқ СССР ҳудудидаги давлатларда аҳолининг даромадлари жуда камайиб кетди. Бу ҳол ана шу мамлакатлар учун иқтисодий тангликни бартараф этиш мақсадида самарали макросиёсатни танлаб олишни ғоят долзарб масалага айлантирди.

Айни пайтда собиқ Совет Иттифоқидаги барча республикаларда аҳвол ачинарли ҳолда эмас. Халқ хўжалиги умуман барбод бўлган бир пайтда (кўп иқтисодчилар бу ҳолни 1929-1933 йилларда АҚШда юз берган энг кучли бўҳрон натижаларига ёки Иккинчи жаҳон урушининг бошланғич, энг оғир даврига тенглаштиришмоқда), мисол учун олганда, Ўзбекистон Республикасининг аҳволи анча кўнгилдагидек кўринади. Ўзбекистоннинг ички ялпи маҳсулоти 1994 йилда 1991 йилдагига нисбатан атиги 17 фоиз камайди. Айни пайтда Қозоғистонда 43 фоиз, Россияда 39 фоиз, Украинада 40 фоиз, Беларусда 35 фоиз камайди. Республикада шу даврда саноат маҳсулоти ҳажми атиги 2 фоиз қисқарди, айни пайтда Қозоғистонда 48 фоиз Россияда 44 фоиз, Украинада 38 фоиз, Беларусда 32 фоиз камайди. Ўзбекистонда 1994 йилдаёқ нефть ва газ конденсати қазиб чиқариш 1991 йилга нисбатан икки баравар кўпайди, олтин ишлаб чиқариш, дон етиштириш, енгил саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди. МДҲ давлатлари билан савдода ижобий салдо (қолдиқ)га эришилди. Ташқи савдо обороти 1993 йилга нисбатан кўпайиб, 3,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ҳукумати ўз ислоҳотлар моделини амалга ошириши натижасидир. Ўзбекистон Президенти Копенгаген учрашувида сўзлаган нутқида бу ислоҳотларнинг асосий қоидаларини кўрсатиб берди. Бу қоидаларнинг энг муҳимлари иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни мафкурадан тўла холи қилиш, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, ислоҳотларнинг аста-секин ва босқичма-босқич амалга оширилиши, «фалаж қилиб даволаш» усулининг мақбул эмаслигидир. Яъни, республика тараққиётнинг ижтимоий ларзаларни истисно этадиган тадрижий йўлини, жамиятнинг ҳаддан ташқари табақаланишига йўл қўймайдиган, аҳолининг энг эҳтиёжманд табақалари манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қиладиган кучли ижтимоий сиёсат ўтказишни танлаб олди.

Эркин нарх-навога ўтилганидан кейин ҳам Ўзбекистон раҳбарияти аҳолини ва корхоналарни давлат йўли билан қўллаб-қувватлашга чек қўйишга шошилмади, энг зарур маҳсулотларни сотишнинг карточка тизими маълум вақтгача амал қилди, иш ҳақи индекцияланди, хўжалик юритишнинг янги тизимига ўтишда завод ва фабрикаларга ёрдам берилди. Бу бюджетга оғир юк бўлиб тушди албатта, лекин одамлар турмуш даражаси кескин пасайиши ва ишсизлик кучайишининг олдини олди.

Ҳукумат тайёргарлик ишларини бажариб бўлганидан кейингина иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичига ўтди. Бизнингча, бу босқич ўтиш даври купони ўрнига ҳақиқий миллий валютани жорий этиш ва пул-кредит ҳамда бюджет сиёсатини кучайтириш, эркин, бозор нархи белгиланишига ўтиш ва аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва катта давлат корхоналарини очиқ тусдаги акционерлик жамиятларига айлантириш йўли билан уларни хусусийлаштириш бошлангани, қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар чуқурлашгани билан фарқ қилади. Натижада республикада 1995 йилнинг июнида пулнинг қадрсизланиши атиги 1,9 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг макроиқтисодий моделларининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат? Бу саволга Президент Ислом Каримовнинг яқинда нашрдан чиққан «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби (Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти) батафсил жавоб беради. Бу китоб ўзбек халқининг фаровонлик ва равнақ сари ҳаракатининг аниқ йўллари ҳақида тўла тасаввур берадиган амалий ва илмий асардир.

Умумхалқ мулкини хусусийлаштиришга муносабат Ўзбекистон ислоҳотининг асосий ўзига хос хусусиятидир. Шошилинч равишда ўтказилган оммавий ва текинга хусусийлаштириш иқтисодий таназзулни чуқурлаштириб, корхоналарни банкротлик ёқасига келтириб қўйган, ишсизлар сонини кўпайтирган, одамларнинг мулкий ва ижтимоий табақаланишини кучайтирган бошқа мамлакатлар тажрибасидан бу ерда яхши сабоқ чиқариб олишди.

Республикада муаммоларни ҳал этиш концепцияси жуда жўн. Қадрсиз нарсалар чинакамига қадрланмайди ва асралмайди. Шунинг учун ҳам пул тўлаш, олдин қилинган харажатларни қоплаш асосида хусусийлаштириш қоидасига амал қилинмоқда. Бу ерда фақат мол-мулкни чинакам эгалари қўлига топширишни, уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратиб беришни иқтисодий ислоҳотларнинг асосий моҳияти деб билишади. Бироқ, бу — Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари бутунлай тўхтатиб қўйилди, деган гап эмас.

Бу вазифани ҳал қилиш учун республикада минглаб саноат, қурилиш, транспорт корхоналарини хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Шу йилнинг биринчи ярми давомида 4300 корхона янги эгалар қўлига ўтди. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўлган нефть-газ, энергетика, машинасозлик корхоналарида ҳам бу жараён бошланди. Бухоро, Самарқанд, Хива ва Тошкентдаги туристлар комплексларини уларнинг вазифасини ўзгартирмаслик асосида хусусийлаштириш уларни хорижий сармоя иштирокидаги акционерлик жамиятларига айлантириш кўзда тутилган.

Ҳозирги пайтда танловлар ва кимошди савдолари ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда аҳолининг кенг табақаларини бу жараёнга жалб этиш учун қимматбаҳо қоғозларнинг дастлабки ва иккиламчи бозори кенг ривожланмоқда. Бундан олинган даромадлар аввало хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашга, уларни қайта қуришга, шунингдек энг самарали сармоя лойиҳаларини амалга оширишга, илм-фан билан боғлиқ бўлган ва жаҳон бозорида рақобат қила оладиган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланмоқда.

Республикада макроиқтисодий мувозанатни сақлаб туриш, ишлаб чиқаришнинг ёппасига таназзулга учрашига ва оммавий ишсизликка йўл қўймаслик, пулнинг қадрсизланиши ва пул эмиссиясининг бошқариладиган даражасини таъминлаш, тўлов балансини сақлаб қолишга қаратилган барқарорлаштирувчи сиёсат устун сиёсат ҳисобланади.

Ўзбекистонда бундан кейин ҳам жорий истеъмол ва иқтисодиётни қайта ташкил этиш учун зарур бўлган давлат харажатларини кескин қисқартириш йўли билангина бюджет мувозанатини сақлашга уриниш иқтисодий вазиятни кескинлаштиришга ҳамда ислоҳотлар жараёнининг чўзилиб кетишига олиб келиши мумкин, деб қаралади. Бу ерда молиявий ва солиқ сиёсатига, валютани бошқаришга ҳам шундай ёндашилаётгани иқтисодчиларда шубҳа уйғотиб, танқидий фикр туғдирмоқда.

Макроиқтисодиёт — фанларнинг энг мураккабидир. Унда кўпгина назария ва йўналишлар мавжуд бўлиб, неоклассик (Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари амал қиладиган) ва неокейнсиан (кўпинча иқтисодий тушкунлик гирдобига тушиб қолган мамлакатлар ҳукуматлари қўллайдиган) йўналишлар асосий йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистон ҳукумати уларнинг қайси бирига риоя қилмоқда?

Эркин нарх-наво, қаттиқ пул-кредит, бюджет ва аксилэмиссия сиёсати, ташқи савдога эркинлик берилиши ва бошқа бир қанча чора-тадбирлар неоклассиканинг ўта муҳим белгиларидир.

Президентнинг 1995 йилда чиқарган солиқ юкини қисқартира бориш ва фуқаролардан олинадиган даромад солиғини камайтиришга доир фармонлари — неоклассика йўналишидаги иқтисодиёт назарияси асосий таркибини ташкил қилувчи таклифлардир. Айни пайтда давлат корхоналарига пул билан ёрдам бериш, мамлакатнинг тўлов балансига зарар келтиришига қарамай хорижий сармояларни жалб этиш, иш ҳақини ислоҳ қилиш ва макроэҳтиёжга рағбат берадиган бошқа чора-тадбирлар — иқтисодиётни неокейнсион равишда бошқаришнинг энг тарқалган воситаларидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда иқтисодиётни макроиқтисодий бошқаришнинг дарсликларда тасвирланган ва бошқа мамлакатларда амал қилинаётган моделларидан бошқача, ўзига хос модели амалга оширилмоқда. Агар у муваффақиятни таъминласа, макроиқтисодиёт назариясига янги ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин. Чунки, ҳозирги даврда макроиқтисодий мувозанатнинг барчани қониқтирадиган моделининг ўзи йўқ. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон тажрибаси бутун жаҳон ҳамжамияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам Жаҳон валюта жамғармаси ва Жаҳон банки Ўзбекистонга кредитлар бермоқда. Бироқ, гап бундагина эмас. Асосий гап — мана шу кредитларнинг берилишининг ўзи молиявий ресурслари бу нуфузли халқаро ташкилотларнинг захираларидан анча кўп бўлган хусусий хорижий сармоядорлар учун ўзига хос даъват ва кафолат бўлиб хизмат қилишидадир. Айрим маълумотларга қараганда, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки мамлакатга берган бир доллар заём халқаро капитал бозорида яна 7-8 долларни жалб этиш имконини беради. Бу маблағлар айни ҳозир иқтисодиётни тузилма жиҳатидан қайта қуриш, сўнгра истеъмол моллари ва экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун жуда асқотади. Шу пайтгача ёнилғи-энергетика мажмуи, олтин қазиб олиш, автомобилсозлик, енгил, тамаки саноати ва мамлакат халқ хўжалигининг бошқа асосий тармоқларига хорижий сармоядорларнинг йирик маблағлари жалб қилинган. Жаҳон банки иштирокида республика халқ хўжалигининг 70 фоизи боғлиқ бўлган пахтачилик секторини яхшилаш, табиий газ ишлаб чиқаришни ошириш, меҳнат ресурсларини кўпайтириш ва бошқа соҳалар бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Биргина мисол. Шу йилнинг иккинчи чорагида хорижий сармоялар республикада капитал қурилишга ажратилган маблағнинг бешдан бир қисмини ташкил этди.

Ҳа, бугунги кунда МДҲ мамлакатлари қийин кунларни бошидан кечирмоқда. Бироқ, жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар қандай иқтисодий бўҳрон қачондир тугайди. Бу бўҳронни енгиб ўтишнинг муайян муддати кўп жиҳатдан давлатларимиз ҳукуматлари амалга ошираётган макроиқтисодий сиёсатнинг қай даражада самарадорлигига боғлиқ. Назаримизда, ҳозир Ўзбекистон жаҳонга ўз тажрибаси, бозорга ўтишнинг ўзига хос йўлини намойиш этмоқда.

Леонид ТАРАСЕВИЧ,
Санкт-Петербург Иқтисодиёт ва молия университети ректори, Россия Иқтисодий Фанлар академияси академиги,
Акмал ХОЛМАТОВ, иқтисод фанлари доктори.
(«Правда» газетаси, 1995 йил 16 август).

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллигига

ЮКСАК САВИЯДА ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш Наманган вилоятида ҳам жамоатчиликнинг диққат марказида турибди. Вилоят ҳокими ўринбосари Д. ДАДАЖОНОВА билан суҳбатимиз ушбу мавзуда.

— **Дилшода Дадажоновна, халқимизда азалдан яхши бир одат бор: тўйни тўёна билан кутиб олиш...**

— Фикрингизни тушундим. Наманганликлар мустақилликнинг тўрт йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Иқтисодиётнинг муайян йўналишларида қўлга киритилаётган ютуқлар бунга мисол. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига йўл қўйилмаётир. Умумий қиймати тўрт миллиард сўм бўлган Учқўрғон-Наманган сув йўли қурилиши каби йирик иншоотлар барпо этилаётгани ҳам қувончли. Бу объект ишга туширилгач, вилоят маркази ва қатор туманларда ичимлик суви таъминоти муаммоси ҳал бўлади. Пиллакорларимиз ва ғаллакорларимиз улкан хирмон уйиб, режаларини ортиғи билан адо этганликлари ҳам таҳсинга лойиқ. Асосий тармоқ-пахтачиликдаги ҳолат ҳам ёмон эмас. Яқинда ўтказилган туманлараро ўзаро текширишлар, ҳамма ерда мўл ҳосил етилмоқда, деб хулоса қилиш имконини беради. Эл дастурхонига мева-сабзавот, гўшт-сут етказишни кўпайтириш бўйича саъй-ҳаракатлар ҳам яхши натижалар бераётир.

Байрам арафасида вилоятда кўплаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилади. Булар орасида Наманган шаҳридаги замонавий теннис корти, ўсма касалликлар, оналар ва болалар шифохоналари, тантанали маросимлар уйи, «Сардоба» бозори мажмуи — жами ўн учта объект бор. Шундай мисолларни туманлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Наманган туманидаги 844 ўринли мактаб, 21 километрли Ғурумсарой — Чодак юқори босимли газ тармоғи, Тўрақўрғон — Наманган айланма йўли, Янгиқўрғондаги 200 ишчи ўринли тикувчилик цехи... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

— **Байрамни юксак савияда ўтказиш учун қандай тадбирлар белгиланди ва амалга оширилмоқда?**

— Мустақилликнинг тўрт йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш учун вилоятда, барча шаҳар ва туманларда комиссиялар тузилган. Улар ҳамма тадбирларни ўзаро мувофиқлаштириб олиб бормоқдалар. Амалга оширилаётган ишлардан кўзда тутилган асосий мақсад — мустақиллик йилларида рўй берган ўзгаришларни кенг тарғиб қилиш, одамларга келажаги буюк бўлган Ўзбекистоннинг фуқароси эканлигидан фахр-ифтихор туйғуларини сингдиришдир. Бунда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан, учрашув, суҳбат, маъруза, ҳафталик каби тадбирлардан кенг фойдаланилмоқда. Ҳокимликларга бу борада барча жамоат ташкилотлари ёрдам бераётганликлари диққатга сазовор.

Масалан, «Туркистон — умумий уйимиз» мавзуидаги илмий-амалий конференцияни Ўзбекистон ХДП, Ёшлар Иттифоқи, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят ташкилотлари биргаликда уюштирдилар. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари эса «Истиқлол — қонунчилик гарови» мавзуидаги ҳуқуқий билимлар ҳафталигига бош-қош бўлдилар. Барча шаҳар ва туманларда ўтказилган экология ҳафталиги эса ободонлаштириш ва озодалик ойлигига уланиб кетди. Мақсад — ҳар бир аҳоли истиқоматгоҳида саранжом-саришталикни таъминлаш, бу билан одамларга байрам кайфияти бахш этиш.

Ижодий зиёлилар, санъат аҳли ҳам ўз режалари асосида иш юритмоқдалар. Алишер Навоий номли театр артистлари байрам муносабати билан вилоятдаги меҳнат жамоалари ҳузурида чиқишлар қилаётир. Қаламкашларнинг адабиёт ихлосмандлари билан учрашувлари эса «Истиқлол менинг илҳомим» шиори остида ўтаётир.

Албатта, биз байрамни шунчаки тантана сифатида нишонланадиган тадбир эмас, балки халқимизга ҳурмат, иззат-икром кўрсатиш учун имконият, деб ҳам биламиз. Айниқса, моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож кишиларга алоҳида эътибор кўрсатилади. Ҳар сафарги анъанага мувофиқ вилоят, шаҳар, туман миқёсидаги раҳбарлар, депутатлар кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган, ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар оладилар. Бу соҳада «Наврўз», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳам ўз имкониятларини сафарбар этадилар.

Суҳбатдош:
Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия ҳаёти: амалий ишлар даври

ОДАМЛАР ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛИБ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши котиблар қабулхонасида навбат кутаётган уч-тўрт нафар кишини кўриб ғурурланиш ҳиссини туйгандек бўлдим. «Ахир, кенгашнинг обрўси бор эканки, одамлар унга ишониб мурожаат қилишяпти. Демак, уларни эшитадиган, ёрдам берадиган ёки тўғри маслаҳат берадиган ташкилот яшаяпти» деган ўй хаёлимдан ўтди.

Иккинчи котиб Шуҳрат Муҳаммаджонов билан суҳбатимиз партия ҳаётининг турли қирралари хусусида борди. Гап партия бадалларига бориб тақалганда Бўстонлиқ туман партия кенгашининг бу борадаги тажрибаси алоҳида тилга олинди.

— Партия бадалларига муносабат, бу фақат ҳозирги моддий қийинчиликлардан қутулишнинг йўли, деб тушуниш хатодир, — деди у. — Бинобарин, партия бадалларини ўз вақтида тўлаш — партияга содиқликни ва айни пайтда партиявий интизомни ҳам белгилайди.

Бўстонлиқ тумани партия кенгаши биринчи котиби Рихсибой Маҳаматов ҳам бу фикрни қувватлади. Айтганларини асослаш учун қатор далилларни келтирди. Мулоқотдан шу нарса маълум бўлдики, қайси партия ташкилоти имон-эътиқодли, одамлар дардига малҳам бўлишни кўнглига туккан кишилар ҳисобига сафлари кенгаётган бўлса, ўша ерда меҳнатга муносабат ҳам, муаммоли масалалар ечимига йўл топиш ҳам ўзгача бўляпти. Масалан, тумандаги 5-ўрта мактаб директори, ХДП аъзоси Гулжон Ускенбоева фаолиятига бир назар ташлайлик. У жонкуяр, ишбилармон, ўқитувчилар тили билан айтганда, шаддод аёл. Жамоа ишини битирмагунча тинчимайди. Янги мактаб биноси қурилиши ҳам унинг ташаббуси билан амалга оширияпти.

Раҳбарнинг оёғидан ўт чақнаётганини кўрганлар ҳам табиийки, унга эргашишга, жилла бўлмаганда унга ўхшашга ҳаракат қилишади. Мазкур билим масканининг ўзидаёқ ХДП аъзолигига йигирма нафар муаллим қабул қилингани фикримиз далилидир. Шунингдек, «Чорвоқ» шифохонасида ҳам бир йўла ўн нафар киши ўз тақдирини ХДП билан боғлади. Айни пайтда уларни ҳудудий партия ташкилотига бирлаштиришга ҳаракат қилинмоқда.

Абдусалом Қодиров котиб бўлган «Паргос» жамоа хўжалиги партия ташкилоти ҳам туманда сафлари тез ўсаётган бошланғичлар сирасига киради. Кейинги қисқа вақт ичида ХДП аъзолари сони 12 нафарга кўпайиб, жами 78 нафар кишини ташкил этди. Улар хўжаликнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб, меҳнаткашлар куч-ғайратини муҳим масалаларга жалб этмоқдалар. Шу боис мазкур хўжалик туманда илғорлар сафидан тушмай келади. Партия бадалларини тўлаш масаласида ҳам ушбу ХДП бошланғич ташкилоти бошқаларга ўрнак бўлаётир.

Туманда ҳозирги вақтда 2,5 мингдан зиёд ХДП аъзоси бор. Бу — ҳазилакам куч эмас. Туман партия кенгаши ана шу имкониятдан самарали фойдаланибгина қолмай, балки бошқа жамоа ташкилотлари билан ҳам, яқин ҳамкорликда ишламоқда Масалан кенгаш ижроия бюроси фахрийлар кенгаши уюшмаси билан қатор қарорларни бирга қабул қилиб, амалга оширмоқда. Бу билан фахрийларни партиявий ишларга кенг жалб қилинишига эришилмоқда. Кўпгина муҳим ишларнинг тепасида билимдон кексаларнинг туриши эса мақсадга эришишнинг омили бўлмоқда. Кекса партия аъзоларининг ҳолидан хабар олиш, уларга баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнаткашлар манфаати қатъий ҳимоя қилинаётганини кўрган ёшлар ҳеч иккиланмай ўз тақдирларини ХДП ҳаёти билан боғлаётирлар. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кенгаш ўз ижроия бюросида бир неча марта партия сафини ўстириш, бадалларни ўз вақтида тўлаш, иқтисодий ислоҳот, хусусийлаштириш (аниқ бир хўжалик мисолида), жисмоний тарбия, спортни ривожлантириш, меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш сингари долзарб масалаларни кўриб чиқди. Энг муҳими, уюштирилган тадбирлар амалий тус олиши учун курашилди. Спортнинг бир неча тури бўйича туман вилоятда олдинги ўринларда бораётгани шулар жумласидандир. Қолаверса, туман ҳокимининг спортга алоҳида меҳр-эътибори ҳам бу соҳадаги ижобий ўзгаришларга туртки бўлаётир.

Яқинда кенгаш ижроия бюросида «Бурчмулла», «Қўшқўрғон» қишлоқ шифохоналари бошланғич партия ташкилотларининг аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш ва уларни дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилаш ҳамда «Бунёд» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини бажариш учун қандай юмуш олиб бораётгани масалалари муҳокама қилиниши керак.

Кўриниб турибдики, бюрога қўйилаётган масалалар ҳаётий муҳим. Булардан ташқари, туман партия кенгаши аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш йўлларини изламоқда. Бу борада туман матлубот ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, ХДП аъзоси Раҳимберди Норовнинг жонбозлигини таъкидлаш ўринли. Жамият ходимлари ўтган йил 3-чораги якунларига кўра самарадорлик бўйича вилоятда 2, 4-чоракда эса республика бўйича 2-ўринни олди. Агар ўтган йили ҳар ойда ўртача 200 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилган бўлса, жорий йилда бу рақам 3,5 баравар кўпайди. Жамият бошқаруви бошланғич партия ташкилоти котиби Ўктам Бобораимовнинг таъкидлашича, бунга сабаб «Супермаркет» дўконининг ишга туширилгани, харидорларнинг талаб-эҳтиёжи ўрганилаётгани ва моллар нархи бирмунча арзон сотилаётганлигидир. Айни пайтда бу дўконда тўртта бўлим бўлиб, уларда минг хилдан зиёд маҳсулот сотилмоқда. Аҳолидан қабул қилинган чорва моллари эвазига уларга ун, гуруч, ловия ва бошқа маҳсулотлар берилаётир. Жамиятнинг хусусийлаштиришга оид режалари бажарилиши ҳам ёмон эмас. Жорий йилга белгиланган 32 объектдан 22 таси хусусийлаштирилди.

—Жамият фаолиятидаги муайян силжишлар 168 нафар партия аъзосининг шу соҳада инсоф билан ишлаётганининг ҳам мевасидир, — дейди Рихсибой Маҳаматов. — Мовлуда Йўлдошева, Бахтиёр Нормирзаев, Мелис Нишонов, Фахриддин Йўлдошев сингари ташкилотчи, кўпчилик дуосини олаётган касб усталари шулар жумласидандир. Уйлайманки, қаерда партия ташкилоти ишни пухта ташкил қилган, одамларнинг билими, куч-ғайратини долзарб вазифаларга жалб эта олган бўлса — ўша ерда қатъий меҳнат интизоми таъминланган бўлади. Бундай жойларда эса аъзолик бадаллари масаласида ҳам саволларга ўрин қолмайди.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Иқтисодиёт

ЎЗБЕК УЗУМИГА АМЕРИКАДАН ХАРИДОР ЧИҚДИ

Ўзбек узуми хўб хорижбоп-да! Китоб тумани Қашқадарё вилоятининг энг кўп узуми, сабзавот ва мевасини етиштириб беради. Бу туманда мева қуритадиган, консервалайдиган, шароб тайёрлайдиган корхоналар ишлаб турибди. Биргина «Китоб» бош хўжалиги иккита шароб ва битта мева қуритадиган йирик корхоналарга эга. Бундан ташқари ҳўл мева ва сабзавотларни ҳам ташқи бозорга чиқариш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу ишга хусусий сармоядорлар ҳам қўл уришмоқда.

Яқинда тумандаги Каромат Рустамова номли жамоа-ширкат хўжалиги боғбонлари ҳузурига америкалик тижоратчи жаноб Стив бевосита маҳсулот харид қилиш учун ташриф буюрди.

— Биз ташқи бозорга биринчи марта маҳсулот сотишимиз, — дейди хўжалик бошлиғи Содиқ Неъматов камтарлик билан. — Бу осон иш эмаслигини кўрдик. Америкалик савдогарларга бизнинг сурхак узумларимиз маъқул тушди. У боғларимиздан узум узишга алоҳида эътибор бераётганини кўриб ҳайрон қолдик. Ҳамкоримизнинг талаби билан узумни фақат хотин-қизлар узиб беришмоқда. Очиғи, жаҳон бозори талабларини, ўз маҳсулотларимизни сотиш йўларини сидқидилдан ўрганмасак, косамиз оқармас экан...

— Менга Ўзбекистон, меҳмондўст ва меҳнатсевар одамларингиз ёқди, — дейди жаноб Стив . — Бу юртда битадиган ноз-неъматларни еб тўймайсиз. Биз ҳали кўп ҳамкорлик қиламиз. Юртингиз рафиқам ва фарзандларимда ҳам унутилмас таассурот қолдирди...

Ҳа, насиб этса, юртимиз ноз-неъматларидан истеъмол қилган жаноблар, жаҳоннинг қайси мамлакатида бўлмасин, боғларимизга, боғбонларимиз, тадбиркорларимиз ҳузурига ҳадемай тинмай ошиқиб келаверишади. Бу кун узоқ эмас.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САВДО УЙИ
ДИЁР
TRADING HOUSE

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!
"ДИЁР" САВДО УЙИ
Сизларни — давлатимиз мустақиллигининг тўрт йиллиги билан самимий муборакбод этади.
Ушбу қутлуғ кунда хонадонингизга файзу-барака, ишингизга унум, ўзингизга хотиржамлик тилаймиз.

Мавриддан фойдаланиб, чакана савдо шаҳобчасига эга бўлган улгуржи харидорларни савдо уйимизга таклиф этамиз. Бизда пул ўтказиш йўли билан қуйида қайд этилган кенг турдаги халқ истеъмоли молларини сотиб олишингиз мумкин:

- *хорижда ишлаб чиқарилган мебель,*
- *қандолатчилик маҳсулотлари,*
- *пойабзал,*
- *кир ювиш воситалари ва бошқалар.*

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Амир Темур тор кўчаси, 6-уй.
Маълумотлар учун телефонлар:
/3712/ 34-82-39, 34-63-39.

Ислоҳот қирралари

ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚИШМОҚДА

Журналист қайси мавзуни яхши билиши керак? Албатта, қайси мавзуни қаламга олса ўшани-да! Газета, журнал радио, телевидениеда эса ҳаётнинг барча қирралари акс этади. Аммо ҳамма соҳани эгаллаган қомусий қаламкаш қаерда бор? Бу касб вакили ҳар куни дуч келадиган бир соҳа борки, у — иқтисодиётдир. Иқтисод илмини билмаган корхона раҳбарини серқатнов кўчада кўзини юмиб кетаётган йўловчига ўхшатишади. Бинобарин журналист ҳам шундай. У бозор иқтисодиёти асосларини билмай туриб, иқтисодий ислоҳотларни тарғиб этиши, ўрни келганда баҳслашиши мумкинми?

Мана иккинчи ойдирки, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодиёт, бизнес, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида пойтахтимиздаги барча оммавий ахборот воситалари ходимларидан 100 нафари «Бозор иқтисодиёти асослари ва Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар» мавзуида махсус дастур бўйича ўқишмоқда. Ўқишдан мақсад журналистларга бозор иқтисодиётининг мазмуни, ички тузилиши, ривожланиш қонунлари ҳақида, шунингдек Ўзбекистонда бозор ислоҳотларининг бориши, унинг якунлари ва муаммолари ҳақида билим беришдир. Машғулотларнинг анъанавий усулдан фарқи шундаки, тингловчилар ҳузурида нафақат олимлар, балки бугунги иқтисодиётимизнинг ҳал қилувчи бўғинларида фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимлар, амалиётчилар чиқиш қилмоқдалар. Академик Саидҳрор Ғуломов, профессор Аҳмаджон Ўлмасов, Олий Мажлис қўмита раиси Анвар Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси умумиқтисодиёт бўлимининг мудири, профессор Раҳмонқул Каримов, Ўзбекистон Молия вазири ўринбосари Абдулла Абдуқодиров каби маърузачиларнинг сабоқларидан журналистлар жуда кўп нарса олдилар.

— Ўқув уч ой давом этади, —дейди малака ошириш институти директори, иқтисод фанлари доктори, профессор С. М. Қосимов. — Тингловчиларга диплом берилади. Сўнгра навбатдаги гуруҳ журналистлари ўқишга жалб қилинадилар. Мақсад барча журналистларни босқичма-босқич ўқитишдан иборат.

Ана шу машғулотларнинг қатнашчиси сифатида айтишим кераки, бугунги кунда бозор иқтисодиёти асосларини эгалламаган журналист оммавий ахборот воситасида фаолият кўрсатишга маънавий ҳаққи йўқ. Шу жиҳатдан ўқиш бизга кўп нарса беряпти.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН · ҚАЗАҚСТАН · ТОҶИКИСТОН · КЫРГЫЗСТАН · ТҮРКМЕНИСТАН

БУТУНДИР, ТУРКИСТОН, БУТУНДИР!

ҚОЗОҒИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР НУКУСДА

НУКУС. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков Манғқистов вилояти ҳокимининг ўринбосари С. Керелбоев бошчилигида Нукусга келган қозоғистонлик тадбиркорларни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Қорақалпоғистон Республикаси билан Қозоғистоннинг қўшни Манғқистов вилояти ўртасидаги ҳамкорлик, савдо-сотиқни ривожлантириш, Нукус билан Манғқистов вилояти маркази Оқтов шаҳри ўртасида поезд қатновини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

АСОСИЙ МАВЗУ — ҲАМКОРЛИК

АШГАБАД. Яқинда Россия Бош вазири ўринбосари Алексей Большаков раҳбарлигидаги делегация Туркманистонга расмий ташриф буюрди. У бу ерда Туркманистон Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлари вазири Борис Шихмурадов билан учрашди. Музокаралар чоғида Каспий денгизи ҳавзасидаги давлатлар ҳамкорлиги мавзуси асосий ўринлардан бирини эгаллади.

ВЕРТОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

АЛМАТИ. Қозоғистонга қарашли «Ми-8» вертолёти Қозоғистон-Хитой чегара ҳудудида фалокатга учради. Экипаж аъзолари тирик қолган. Бироқ, бир нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган.

БОШ ВАЗИР ТАШРИФ БУЮРДИ

БИШКЕК. Яқинда Туркия Бош вазири Тансу Чиллер Қозоғистон сафаридан сўнг Қирғизистон пойтахти Бишкекка ташриф буюрди. Ташриф давомида Туркия ҳукумати раҳбари Қирғизистон Президенти Аскар Акаев ва Республика Бош вазири Апас Жумагулов билан учрашди.

Пайшанба куни эса Тансу Чиллер расмий ташриф билан Туркманистонга келди.

ИККИНЧИ КЕНГАШНИНГ ИШИ

АШГАБАД. Туркманистон пойтахтида иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар вакилларининг иккинчи кенгаши иш бошлаганига ҳам уч кун бўлди. Унда мазкур ташкилотга аъзо 10 давлат синчилари иштирок этмоқда. Улар 5 кун давомида ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг асосий йўналишлари ва низом лойиҳасини ишлаб чиқиш каби масалаларни муҳокама этадилар.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

"МУСТАҚИЛЛИК"

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 СЎМ.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Савобли ишлар

ОТАХОНЛАР ҲИММАТИ

ФАРҒОНА (жамоатчи мухбиримиздан). Мустақиллик байрамига вилоят фахрийлари ҳам қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар.

Вилоят фахрийлар уюшмаси кенгашининг раиси Убайдулло хожи Абдуллаевнинг сўзига қараганда, водий кексалари Истиқлол айёмини шаҳар ва туманларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш билан қаршилашмоқчи. Баҳор кезлари ўтқазилган 206 гектар майдондаги терак қаламчалари отахонлар қаровида. Фахрийлар ташаббуси билан экилган 10 минг туп мевали дарахтларнинг авжи ҳам ёмон эмас. Бу дарахтларнинг олди ҳосилга кирган. 20 дан ортиқ отахон боғларда етилган мевалардан қаровчисиз кексалар ва урушда ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига бепул тарқатишмоқда. Байрам арафасидаги отахонларга хос бундай ҳимматдан кўпчилик мамнун.

Шуҳрат ҚОСИМОВ.

Тадбиркорлар бор бўлсин!

НИЯТИМ ЎЗ САМОЛЁТИМДА МАККАНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ

— дейди Сурхондарё вилояти Шўрчи шаҳридаги «Олтиной» кичик корхонаси директори Ораз КАКАБОЕВ

Шўрчида Ораз Какабоевни танимайдиган киши бўлмаса керак. Кимдир уни Ораз полвон деса, кимдир Ораз Толли дейди, яна кимдир... Хўш, Ораз қандай каромат кўрсатибдики, элнинг оғзидан тушмаса?

— Ўшанда 1993 йилнинг баҳор ойлари эди, — деб эслайди у. — Бизда ҳам тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳаракати бошланди. «Уйчининг уйи битгунча таваккалчининг иши битибди», — деганларидек мен ҳам дўстим Зиёдулло билан келишиб кичик корхона очмоқчи бўлдик.

Фикрим унга ҳам маъқул тушди. Орадан бир ой ўтмасданоқ давлатдан 130 минг сўм қарз олдик. Яхши ният билан янги ташкил топган кичик корхонага «Олтиной» деб ном қўйдик. Дастлаб Шўрчи шаҳар марказидан ижарага ер олиб, шарқ меъморчилиги асосида элликка яқин дўкон қурилишини бошлаб юбордик... Аммо қурилиш ишлари ниҳоясига етмасданоқ маблағимиз тугади. Нима қилиш керак? «Газ-24» Волга автомашинамни ҳеч иккиланмай сотишга қарор қилдим. Укам Алишержон билан Новосибирскка бориб, машинани ўн тўрт вагон тахтага алмаштирдик. Шундан сўнг ишларимиз ўнглангандай бўлди. Тахтанинг асосий қисмини ўзимиз ишлатдик, қолганини эса сотдик. Корхонамизнинг ҳисоб рақамини очдик. Аста-секин ҳисобимизга маблағ йиғила бошлади. Дўконларимиз ҳам ўз фаолиятини бошлади. Тушган маблағ эвазига чорвачилик, паррандачиликни ривожлантирдик. Хуллас, давлатдаги қарзимиздан қутилдик...

Ҳозирги кунда 320 бош қўй, уч юздан ортиқ ўрдак, мингга яқин қуённи парваришламоқдамиз. «Толли» жамоа хўжалигида юз ўринга мўлжалланган икки қаватли ресторан қурдик. У ишга тушгач ўзимизда етиштирилган гўштлардан турли миллий таомлар тайёрлаймиз. Шу билан бирга хўжалик аҳлининг тўй, маъракаларига ҳам буюртма асосида арзон нархларда таомлар пишириб берамиз. Бундан ташқари корхонамизнинг 26 сотих лимонзори бор. Кузда лимонлардан беш тонна ҳосил олишни кўзлаяпмиз...

Саксон уч ишчи меҳнат қиладиган «Олтиной» кичик корхонаси шўрчиликларнинг турмуш шароитини яхшилашда ўз улушларини қўшаётганларидан фахрланишади. Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан янги очилган «Нуронийлар» чойхонсига юз минг сўм ёрдам пули берилди. Тумандаги «Прогресс» кўчасига ўз маблағи ҳисобидан қувурлар ётқизиб ичимлик суви муаммосини яхшилади. Иккита интернатга 38 минг сўм, иккита мактаб ва болалар боғчасига 138 минг сўм ёрдам пули берилди. Қаровчиси йўқ ногиронлардан 120 кишига ҳар ойда корхона ўз ҳисобидан беш юз сўмгача пул бермоқда.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони биз, тадбиркорлар учун айни муддао бўлди, — дейди сўзини давом эттириб О. Какабоев. — Ўзингиз ҳисоблаб кўринг. Ҳозир мамлакатимизда ўттиз мингдан ортиқ кичик ва хусусий корхоналар, қанча фермерлар, ширкат хўжаликлари мавжуд. Уларнинг сони кундан-кунга янада ортиб боряпти. Биз ана шундай ишбилармон кишиларга тўғри йўл кўрсатиб, билмаганини ўргатиб турган тақдиримиздагина Ўзбекистон янада ривожланади, камол топади. Менинг барча тадбиркору ишбилармонларга, фермерлар ва ижарачиларга бир таклифим бор: ҳар йили ҳеч бўлмаса бир марта учрашиб, ўша кунни «Тадбиркорлар куни» деб нишонласак-да, тушган маблағни қаровчиси йўқ, нафақахўр ёки ногиронларга ёрдам тариқасида берсак...

Ана шу ҳалол меҳнати эвазига бўлса керакки, Шўрчида ҳамма Ораз акани яхши танийди, ҳурмат қилади.

—Туркманистонда туғилган бўлсам-да, Ўзбекистонни ўз она-Ватаним деб биламан, — дейди у. — Қарийб йигирма йилдирки, Ўзбекистоннинг нонини, тузини едим. Шу юртда обрў топдим. Зиёдахон билан турмуш қуриб уч фарзандни вояга етказяпмиз. Келажакдаги орзуларимиз ҳам улуғ: халқимизнинг оғирини енгил қилиш, турмуш шароитини янада яхшилаш. Ҳа айтгандай, худо хоҳласа ишларимиз ривожланаверса, келажакда шахсий самолётда оғайниларимиз билан Маккаи Мукаррамани зиёрат қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАВО ЛОЧИНЛАРИ, БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

UZBEKISTAN airways

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАВО ФЛОТИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат қудратини ва иқтисодиётини мустаҳкамлашда, халқаро ва ички қатновни таъминлашда ҳаво флотининг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кўпминг кишилик жамоаларининг, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳарбий хизматчиларининг ва ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг авиацияни, авиация саноатини ривожлантиришга ҳамда кадрлар тайёрлашга қўшган ҳиссасини назарда тутиб:

1. Август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво флоти куни» этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 21 июль.

САМО МАЛИКАСИ

...Тун. Шаҳар тинч уйқуда. Фақатгина тайёрагоҳда ҳаёт кундузгидек бир маромда давом этади. Тошкент — Нью-Йорк йўналиши бўйлаб учадиган самолётнинг парвозига бир неча дақиқа қолган. Гулбаҳорхон самолётга кўтарилди. Ҳаёлидан турмуш ўртоғи, кичкинтой Шерзоджоннинг боягина онаси билан хайрлашаётиб «Ойижон, манга ҳеч нарса кераймас, пақат тезроқ келсайиз, бўпти. Сиззи соғиниб қоламан», деган гаплари қулоғи остида жаранглагандек бўлди...

Гулбаҳорхон Имомова Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпаниясида стюардесса бўлиб ишлайди. У Бўстонлиқ туманининг гўзал Қўшқўрғон қишлоғида туғилиб ўсди. Ёшлигидан учувчиликка ҳавас қўйди. Бу ҳавас йиллар ўтган сайин улуғ бир орзуга айланди. Ўрта мактабни тугатгач, Ленинград авиация техника билим юртига ўқишга кирди. Талабалик йиллари ҳам бир зумда ортда қолди. Тошкентга келиб, иш фаолиятини стюардессаликдан бошлади. Собиқ СССР республикалари бўйлаб асосий рейсларда учди. Ўзининг хушмуомаласи, одоб-ахлоқи билан тилга тушди. Ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор топди.

Стюардесса қизлар ўз она тилидан ташқари, рус тилини, бирор чет давлат тилини, айниқса, инглиз тилини мукаммал билишлари шарт. Парвоз вақтида йўловчилар билан жавоб муомалада мулойимлик, билимдонлик, ширинсуханлик асосий ўринни эгаллайди. Шароит тақозо қилса, улар ҳамширалик ҳам қиладилар.

Шу йилнинг 30 мартида мустақил Ўзбекистондан илк бор Нью-Йоркка парвоз бошланди. Бу рейсда бугунги кунда йўловчилар мунтазам қатнамоқда. Экипаж аъзолари Нью-Йоркда уч-тўрт кунлаб қолишларига тўғри келади. У ерда махсус меҳмонхонада яшайдилар. Ҳамма нарса муҳайё.

— Лекин Ватан соғинчи ҳамма нарсадан устун экан, — дейди Гулбаҳорхон. — Ҳар гал парвоздан кейин улуғ Ватанимиз кўзимга шу қадар чиройли, шу қадар жозибали кўринадики, беихтиёр кўзларимга ёш келади. Шу заминда туғилиб-ўсиб, шундай меҳридарё инсонлар орасида яшаётганимдан фахрланаман.

Стюардесса қизлар — само маликалари ... Уларга қараб ҳавасим келди. Ўзларига ярашган либосларини кўрган ҳар бир киши беихтиёр уларнинг ўзбек қизлари— Ўзбекистон қизлари эканлигини дарров илғаб олади. Гулбаҳорхон шу қизларнинг сардори. Барно Ҳайдарова, Муҳаббат Сотиволдиева, Феруза Азимова... Бундай қизлар анча-мунча.

Гулбаҳорхон шу ерда бахтини топган. Турмуш ўртоғи Шуҳратжон Аҳмедов ҳам шу компанияда хизмат қилади. Бир ўғли бор.

... Тун сукунатини бузиб, яна бир самолёт ерга қўнди. Гулбаҳорхон йўловчилар билан бирин-кетин хайрлашиб тушаркан, она тупроғига етиб келганидан мамнун эди. Бўсағада эса уни Шуҳратжон ва Шерзоджонлар кутиб туришарди...

М. АБДУЛЛАЁРОВА.

Суратда: стюардесса Гулбаҳор ИМОМОВА.

Ғани РАФИҚОВ,
«Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бош директори

КУМУШ ҚАНОТЛИЛАРМИЗ

Республика Президенти Ислом Каримов август ойининг учинчи якшанбасини «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво флоти куни» сифатида нишонлаш тўғрисидаги Фармони бизнинг меҳнатимизга берилган юксак баҳо деб ҳисоблар эканмиз, айни пайтда бу Фармон ҳарбий соҳадаги мутахассисларни, шунингдек, фуқаро авиаторлари, авиасозлар ва республикамизнинг бошқа мутахассисларини ягона бир сафга бирлаштиришга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Исталган давлат таркибининг аҳволи аввало республикадаги иқтисодий вазият билан ўлчанади, бу эса айни пайтда барқарорлашган ва у авиакомпаниянинг ишларида келажакка ишонч руҳини яратади. Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги мобайнида бир қатор янги халқаро йўналишларни очишга эришдик. Энг кейингилари Амстердам орқали Нью-Йоркка ва Баҳрейн орқали Малега училадиган рейслардир. Собиқ Иттифоқ емирилиши билан кўпгина нарсаларни йўқотдик. Ҳамиша қизғин парвоз бўлиб турган Омск, Томск, Тюмень шаҳарларига учишлар тўхтаб қолди. Қарзлар ўсди, булар ўз навбатида фаолиятимизга салбий таъсир кўрсатяпти.

Ҳукумат бизга сўмни бошқа хорижий пулларга алмаштириш, савдода қатнашиш, хорижий пулларни ва рублни сотиб олиш ва шу билан бирга ўз мижозларимиз — аэропортлар, таъмирлаш заводлари, ёқилғи ва махсус суюқлик етқазиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш, двигателлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқаларни сотиб олиш ҳуқуқини ихтиёримизга берди.

Ҳозир фуқаро авиациясини хусусийлаштириб бўлмайди. Самарқанд ёки Бухоро ҳокимликларига аэропортларни ишлатиш борасида сарф-харажатларни ўз зиммасига олиш тўғрисида розилик берадиган бўлсак, бу ишда фақат биз парвозларнинг хавфсизлиги учун назоратни зиммамизда қолдирамиз. Ҳаво дарвозасининг фаолиятини юргизиш жуда қимматли сарф-харажатларни ташкил этади. Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. «Зарафшон» аэропорти Навоий кон саралаш комбинатининг балансига ўтказилган бўлса ҳам бу ишда муаммолар чиқиб турибди.

Ўзбекистон ҳаво дарвозаларини янги замонавий ҳаво кемалари билан бойитиш мақсадида дадил қадамлар қўйилмоқда. Янги самолётлар сотиб олиниши республика ҳукумати даражасида ҳал этилади. Биз янги самолётларни сотиб олишда уларнинг сифати, учиш характеристикаси, иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, энг муҳими молиявий таъминлаш манбаига алоҳида аҳамият бераяпмиз. Шу йилнинг бошида Ил-96 самолётини сотиб олишни ўйлаган эдик. Айтишларича, бу 35 миллион доллар турар экан. Иккита самолёт сотиб олиш учун 70 миллион долларни қаердан топиш мумкин деган муаммо чиқиб қолди. Хориждаги мижозлар ўзларининг кўпсонли банклари орқали самолётларни узоқ муддатга сотишади. Бу тартиб уларда яхши йўлга қўйилган. Биттагина «Боинг»ни сотиб олишдан ҳам маъно йўқ. Шунинг учун ҳозир «Эрбасе» устида фикр тўхталди. Яқин орада, балки сентябрь ойида бундай самолётлар етказиб берилади.

Эртага нишонланадиган байрамимиз фақат биргина авиаторларнинг байрами бўлиб қолмай, балки бутун республикамизнинг ўзига хос бир байрамидир. Ҳамкасбларимиз — ҳарбий ҳаво кучларининг ҳарбий хизматчилари, авиасозлар, авиация ўқув юртларининг ўқитувчилар таркиби, фахрийларимизни чин қалбимдан қутлуғ байрам билан муборакбод этаман.

"Ўзбекистон Ҳаво йўллари" — Марказий Осиё минтақасида ва МДҲда йирик авиакомпания бўлиб, у АҚШ, Европа, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Россиянинг кўпгина шаҳарлари ва Ҳамдўстлик мамлакатларига парвозларни бажаради.

Сиз Тошкентдан Нью-Йорк, Лондон, Амстердам, Франкфурт, Афина, Сеул, Тель-Авив, Истанбул, Жакарта, Карочи, Шаржа, Куала-Лумпур, Деҳли, Пекин ва ҳатто Мале оролига парвоз қилишингиз мумкин.

— А - 310, Ил - 86, Ил - 62, Ту - 154 самолётлари бортида аъло сервис хизмати ҳозирланган.
— сиз учун манзур нархлар
— қулай уланиш рейслари

"Ўзбекистон Ҳаво йўллари" авиакомпанияси ваколатхоналарининг телефонлари:
Москвада — (095) 155-62-45, 155-67-92, 298-21-24.
Киевда — (044) 484-50-09.
Тошкентда — (3712) 006. 066. 59-15-54.

АВИАРЕКЛАМА

INTERNATIONAL ROUTES OF UZBEKISTAN AIRWAYS



ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 21

ЎзТВ I

17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Тафаккур".
18.45 Футбол шарҳи.
18.55 "Ўзбектелефильм" фестивали: "Ватан ўғлонлари", "Тоғлар чорлайди". Премьера.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Озод юрт қўшиқлари". Мусиқий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот"
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Мунозара оқшоми".
22.05 ЎзТВ хазинасидан. Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 1-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Тафсилот".
19.15 "Ибратли умр".
19.40 Шифокор билан мулоқот.
20.25 "Спорт-тайм".
20.55 — 22.55 "Аждаҳони маҳв этайлик". Бадиий фильм. 1 — 2-серия-лар.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 — 20.45

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.20

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультькарусель.
19.00 "Мусиқий танишув". Шуҳрат Воҳидов.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Батабат". Телефильм.

"ОМАД" таништиради:

20.00 Эълонлар.
20.05 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.55 "Жаҳон географияси".
21.45 Эълонлар.
21.50 Видео — "О".
23.30 Эълонлар.
23.35 "Курьер".
23.55 "... яна об-ҳаво ҳақида".
00.05 — 00.15 "Постфактум".

СЕШАНБА, 22

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 1-қисм.
9.35 Немис тили.
10.05 "Қишлоқ стадионларида".
10.30 "Ёзимиз соз ўтмоқда".
11.00 "Болангиз мактабга тайёрми?"
11.30 Ўзбек куйларидан концерт.
12.10 Шифокор экрани.
12.40 — 14.40 "Умидлар йили". Видеоканал.

***

17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.25 "Нон таъми".
18.55 "Ўзбектелефильм" фестивали: "Талабалар баҳори", "Нормурод Нарзуллаев". Премьера.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 Мусиқали драмалардан ария ва дуэтлар.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Олий таълим янгиланиш йўлида".
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 2-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
18.45 "Табиат дунёси".
19.35 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
19.55 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 "Теле-ателье-шоу".
21.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.45

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультькарусель".
18.55 "Севгим қўшиғимда". Киноконцерт.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Жаҳон ва биз".
21.40 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
22.00 "Соккер-клуб".
22.45 — 22.55 "Би-Би-Си" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 23

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 2-қисм.
9.30 Янги алифбони ўрганамиз.
10.00 "Кичкинтой" студияси. "Қунғирокча".
10.30 "Иқтидорлилар".
11.00 "Ишбилармон".
11.25 "Дилда васлинг". Мусиқий композиция.
12.05 — 14.05 "Ёшлик" видеоканали.

***

17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув.
18.45 Спорт хабарномаси.
18.50 "Ўзбектелефильм" фестивали: "Тошкентдан гапирамиз", "Усуллар парвози". Премьера.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Бевосита мулоқот.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда - Навоий вилояти.
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 3-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Қувноқ суҳбат.
19.00 "02" тўлқинида.
19.25 "Кинотриада".
20.25 "Тошкент оқшомида".
21.25 — 23.15 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.45

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45— 00.10

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультькарусель".
18.55 "Батилиман". Телефильм.
19.10 "Ўзбекистон. Автомобилсозлик: ҳозирда ва келажакда".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 24

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 3-қисм.
9.25 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.55 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
10.40 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
11.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Дилдан куйлаб, ўйна кувнаб..."
11.30 "Кашф этилаётган имкониятлар".
12.00 — 14.00 "Маърифат" видеоканали.

***

17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Қойилмақом Гоша". Мультфильм.
18.25 "Янграсин шўх яллалар" Концерт.
19.00 "Ўзбектелефильм" фестивали: "Марғилон ипаги", "Нишона". Премьера.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Қишлоқ тадбиркорлари".
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 Бир асар тарихи. Ойбек. "Алишер Навоий".
22.35 Бир жуфт қўшиқ.
22.50 Эълонлар.
22.55 "Ёшлик" студияси. "Гап йўқ..."
00.10 — 00.35 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.25 Мустақиллик одимлари.
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар!".
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 — 22.55 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.45

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.05

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультькарусель".
18.55 "Романс кечаси".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Шалом!"
21.20 "Ўзбекистон — умумий уйимиз".
22.05 — 23.05 "Сахий хонадонда".

ЖУМА, 25

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 Немис тили.
8.35 Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат ғунчалари".
9.20 "Китоб ва ҳаёт".
9.50 "Халқ ижодиёти".
10.20 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўгитлари".
11.00 "Ҳаракатда баракат".
11.20 Жиззах вилояти Зафаробод тумани "Чўлқувар" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
11.55 "Қирқ ҳунар ҳам оз".
12.25 — 13.55 Ҳ. Ҳакимов. "Минг бир кеча". Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

***

17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Жараён".
18.35 "Мен туғилган тупроқ".
18.55 "Ўзбектелефильм" фестивали: "Биз танлаган касб". Премьера.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Етти иқлим садоси". Халқаро шарҳловчилар давраси.
20.25 1-Марказий Осиё ўйинлари олдидан.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Тараққиёт."
22.15 "Ҳофизлар хониш қилганда".
22.55 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. "Маҳаллада дув-дув гап". Бадиий фильм.
00.30 Эълонлар.
00.35 — 01.00 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Параллель".
19.00 "Ёшлар ижро этадилар".
19.30 "Кимга қанақа?".
20.15 "Билиб қўйган яхши".
20.40 "Самарали изланишлар".
21.10 "Бизнес-академия".
21.35 — 23.40 "Ўлган илонни бошини кўзғама". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.45

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.15

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультькарусель".
19.00 "Лосослар жумбоғи". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Ислоҳотларимиз тамойиллари".

"ОМАД" таништиради:

20.20 Мустақиллик одимлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.40 "Компьютер — Осиё".
22.10 "Кулгига нима етсин!"
22.35 "Америка юлдузлари".
23.05 Эълонлар.
23.10 "Даракчи".
23.20 Эълонлар.
23.25 — 01.05 Видео — "О".

ШАНБА, 26

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 "Д. Д. Д. ва бошқалар". Спорт кўрсатуви.
9.05 "Ҳужжатли экран".
9.50 "Қутлуғ кун муборак, Ўзбекистоним!" Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 3 йиллигига бағишланган видеофильм.
11.10 "Яшил чироқ".
12.10 "Ғазалхон ёшлигим".
13.10 — 15.10 "Маънавият" видеоканали.

***

17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Компьютер — шоу".
18.45 "Ўзбектелефильм" фестивали: "Мусаввир нигоҳи", "Той бола". Премьера.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак".
22.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "МҲСК" — "Пахтакор".
23.50 Эълонлар.
23.55 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.15 "Табиат дунёси".
10.05 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.25 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 "Теле-ателье-шоу".
12.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 "Кинонигоҳ".
14.30 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Менинг кўчам".
19.25 "Пульс". Хабарлар.
19.40 Кичик дебют.
20.10 Рок-сеанс.
20.50 — 22.20 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.55 — 20.45

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 24.00

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Ғофур, Ҳамза ва бошқалар..."
11.00 "Безнен мирас" (татар тилида).
11.40 "Рангинкамон" (тожик тилида).
12.25 "Қалбим кўри".
13.05 — 14.05 Болалар учун фильм. "Имтиҳонларга тайёргарлик".

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультькарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 "Республикам менинг". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Кашфиётлар ва ихтиролар".
20.30 "ХБ" — хабар".
20.40 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.50 "Интерпартнёр".
21.30 "Бу ажиб дунё".
21.45 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
21.55 — 22.55 "Деҳқон даладан қайтди".

ЯКШАНБА, 27

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.15 "Қувноқ стартлар".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Сирли сандиқ". Телеўйин.
12.00 "Қўшиқларим сизга армуғон".
12.30 — 14.30 "Нурли келажак". Видеоканал.

***

17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Ўйла! Изла! Топ!"
18.55 Мультфильм.
19.05 "Ойнаи жаҳонда..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Мустақиллик одимлари.
20.05 Эълонлар.
20.10 Телевизион миниатюралар театри.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Мустақиллик одимлари.
21.35 Эълонлар.
21.40 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнир.
22.10 "Якшанба оқшомида". Мусиқий кўрсатув.
22.50 — 23.20 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.55 Мустақиллик одимлари.
10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
11.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.45 — 14.25 "Кинонигоҳ".

***

17.00 "Совға".
17.30 "Салом, ёшлар!"
18.10 "Тошкент Давлат иқтисодиёт университети".
18.20 "Жаҳон географияси".
19.10 Эълонлар.
19.20 Видео — "О".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Курьер".
21.20 "...яна об-ҳаво ҳақида".
21.30 "Постфактум".
21.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.00 "Авто салон".
22.20 "Кулгига нима етсин!"
22.45 Эълонлар.
22.50 "Даракчи".
23.00 Эълонлар.
23.05 — 00.40 Видео — "О".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 — 21.50

*

21.50 — 23.25 ЎзТВ. "Валентина". Бадиий фильм.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!". Мультфильм.
9.30 "Менинг кўчам...".
9.45 "Дарвоқе".
10.15 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
11.55 — 12.05 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.05 "Мусиқий саёҳат".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Хорижнинг биринчи элчилари". Тунис Республикаси.
20.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.55 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 "Чинсэн".
22.40 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".
23.25 "Бу ажиб дунё".
23.45 — 23.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

Аломат гаплар

ЯНГИЧА МУҲОФАЗА

Американинг автомобиль шиналари ишлаб чиқарадиган «Файерстоун» фирмасида меҳнат муҳофазасининг антиқа усули ўйлаб топилди. 50 мингдан кўпроқ киши ишлайдиган бу фирмада Чарли Чаплин яратган кинокомедияларни мунтазам намойиш қилишга зўр берилмоқда. Мақсад одамларга дам бериш, бўш вақтни кўнгилли ўтказиш эмас. Фирма маъмуриятининг нияти Чаплиннинг ичакузди ҳаракатларини томоша қилиш билан фирмада меҳнат муҳофазасини янгича усулини кашф этишдан иборат. Чунки бундай томошалардан кейин ишчи-хизматчилар меҳнат масканига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, жиҳозларга муносабатни ўзгартириш билан бирга иш жойида ҳар бир киши ўзини қандай тутиши лозимлигига ҳам аҳамият беришаётгани кўзга ташланмоқда.

САҚИЧ ЧАЙНАЙСИЗМИ?

Ҳозир қаёққа қараманг ёшу кексанинг оғзида сақич. Бири оғиз очмай, иккинчиси чапиллатиб, учинчиси пуффак қилиш билан овора. Дўконлардаги ранг-баранг безакли сақичлар, телевизор орқали мақташлар ҳақида гап йўқ. Лекин ҳеч ким сақич хотирани пасайтириб, меъдани бузиши мумкинлиги ҳақида лом-мим демайди. Аслида сақич қандай юзага келганини биласизми?

Маълум бўлишича, 1837 йили амеркалик Жон Адамс сақични кашф қилган экан. У Аламос деган жойда асир олинган генерални кузатиб бораётиб, унинг бамайлихотир ниманидир чайнаб бораётганини кўрган. Асир мағрур ва хотиржам эди. Шунда Адамс бунинг боиси у чайнаётган нарсада бўлса карак, деб ўйлаган. Генералга дадиллик бахш этаётган ўша елимнинг мазаси Адамсга ёқмайди. Кейин у елимга шира, орхидей хушбўй кукуни, ялпиз сувидан қўшиб рисолага келтирмоқчи бўлади. Натижада хушбўйгина сақич юзага келади. Бундай сақичдан аввалига ҳарбийлар, кейин одамлар фойдалана бошлаганлар. 19 аср охирига келганда сақич чайнаш Америкада авжига чиққан. Бундай эрмакни ишлаб чиқарадиган заводлар пайдо бўлган. XX асрдан сақич Оврўпога ҳам келтирилган. Лекин урушдан кейинги даврда сақич чайнаш одат тусига кирган. Зеро, Ғарбда сақичга қарши тарғиботлар бор. Матбуот чиқишларида, жумладан Францияда сақични «Ёввойилар эрмаги», деб қоралаб турилади.

ЎЗБЕКИСТОН - ХИТОЙ
"СУВЖИҲОЗГАЗ"
қўшма корхонаси

мамлакатимиз Мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан республикамиз Президенти жаноб Ислом КАРИМОВни ва барча Ўзбекистон халқини муборакбод этади, бахт-саодат тилайди.

шунингдек "Сувжиҳозгаз" қўшма корхонаси

сув ва газ учун турли моделдаги хўжалик ва саноат счётчикларини таклиф қилади.
Сифатли, арзон, чидамли, бежирим

Сизларни кутамиз.
Тошкент, Воровский кўчаси, 26
"Чкалов" метро бекати.
Телефонлар: 96-53-71, 96-70-94.
Факс: 96-14-20.

Боболаринг анойи эмас...

Шарқшунос олим Маҳмуд ҲАСАНИЙ таҳрири остида

ЧУМЧУҚНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Ривоят қилишларича, бир киши чумчуқни қафасга солиб бозорга олиб келди ва сотмоқчи бўлди. Иккинчи бир шахс чумчуқни қафаси билан сотиб олди ва ўз уйига олиб келди. Уни сўймоқчи ва пишириб емоқчи бўлди. Чумчуқ қафас ичида фарёд қилиб, одамзод тилида сўзга кирди: «Эй яхши одам, мени ўлдиришдан сенга нима фойда? Мени ўлдирмай қўйиб юбор. Мен сенга учта панд-насиҳат айтай, токи сенга нафи тегсин. Аммо панд-насиҳатнинг бирини қафас ичида, иккинчисини қўлингга қўниб туриб, учинчисини эса дарахтга қўнганимдан сўнг айтаман».

У киши қафасни кўтариб саҳрога чиқди ва чумчуққа қараб. — Қани энди гапирчи, нима демоқчи эдинг? — деди.

Чумчуқ:

— Қўлингдан чиқиб кетган нарсага асло хафа бўлма, зеро, у ҳеч қачон қайтиб келмайди, — деди. Киши қафасни очиб чумчуқни қўлига олди ва сўради:

— Иккинчисини айт-чи. У қандай насиҳат экан?

— Агар бирор кишидан ақлга сиғмайдиган гап эшитсанг ишонмагин.

У киши чумчуқдан бу сўзни эшитгач, «яхши насиҳат экан», деб чумчуқни учириб юборди. Чумчуқ дарахтга қўнди ва у кишига қараб:

— Эй нодон, менинг қорнимда 20 мисқолга тенг келадиган гавҳар бор эди. Сезмадинг, мени қўйиб юбординг, — деди. Киши бу сўзни эшитган ҳамоно ўзини ерга ташлаб, бошларига муштлаб, ўзини-ўзи койий бошлади.

Бу аҳволни кўрган чумчуқ у кишига қараб:

— Эй инсон, ҳозир икки насиҳатимни эшитдинг. Аммо тезда эсингдан чиқардинг. Мен сенга қўлингдан чиқиб кетган нарсага асло хафа бўлма, дедим. Мана кўрдинг, мен қўлингдан чиқиб кетдим. Энди минг қилсанг ҳам қайтиб кирмайман. Бас, шундай экан афсусланмоқдан не фойда. Иккинчи насиҳатимда агар бирор кишидан ақлга сиғмайдиган гап эшитсанг ишонмагин, дедим. Бу насиҳатимни ҳам эсингдан чиқардинг. Ахир ўйлаб кўр, менинг бутун вужудим 10 мисқол келмайди. Қандай қилиб 20 мисқол гавҳар қорнимга сиғсин...

Киши ўрнидан туриб, чумчуққа ёлвора бошлади:

— Учинчи насиҳатингни айт, шояд менга фойдаси тегса.

Чумчуқ деди:

— Менга катта лутфу эҳсон кўрсатдинг. Сен энди ушбу дарахт тагидаги олтинга тўла обдастани ковлаб олгин-да, ўз харжингга ишлат, — деди.

У киши дарахт тагини ковлаб олтин тўла обдастани олди ва чумчуққа: «Ажабки, ер тагидаги олтин тўла обдастани кўрасану, аммо хаспўшлаб қўйилган тузоқни кўрмайсан», — деди.

Чумчуқ жавоб берди: «Эшитмаганмисанки, ғафлат ғалаба қилганда, кўрар кўз ҳам кўрмас бўлиб қолади...»

Муҳаммад АВФИЙ.
«АШЁЛАРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ»дан.

ҲАШОРАТЛАРНИ ДАФ ЭТИШ ҲАҚИДА

ЧУМОЛИ. Агар чумоли инининг эшигини қатрон билан бўяб қўйилса, чумолилар ташқарига чиқмайди, олдин чиқиб олганлари эса қайтиб инига кирмайди. Агар ғоят майин тупроқ ёки кулни хирмон атрофига сепиб қўйилса, чумолилар хирмонга киролмайди. Чумоли ўз инидан чиқарган тупроққа олтингугурт ва сурмани аралаштириб, чумоли инининг тешигига туширилса, улардан бирортаси ҳам омон қолмайди.

АРИЛАР. Зубоннинг бошини дандон билан маҳкам қисиб олинса, ари асло чақа олмайди. Яна арилар олтингугурт тутунидан қочадилар.

ЧИВИНЛАР. Агар шер думининг қилини эшиб, уй ичига осиб қўйилса, чивинлар бу уй атрофида айланишмайди. Агар исириқ уруғини сувда ивитиб ётиладиган уйнинг атрофига сепиб қўйилса чивинлар қочади. Агар седананинг қайнатма сувини исириқнинг қайнатма суви билан уйга сепилса чивинлар қочади.

ПАШШАЛАР. Айтишларича, зирнихни сутга солиб уй ичига қўйилса, унга қўнган ҳар бир пашша ўлади. Агар шернинг ёғидан ҳар қандай ҳайвонга суркалса, ўша ҳайвонга пашша қўнмайди.

АРЗА. Ёғоч ва қоғозларни ейдиган қуртни даф қилиш учун сассиқпопишакни уйда сақламоқ даркор. Агар бу қушнинг бирор аъзосини уй ичида тутатилса, уйдаги арзалар ўлади.

МУСЛАР. Жунни ейдиган қурт. Писта, седана, ялпиз ва турунж пўстоқларидан қайси бири бўлмасин уй ичида тутатилса, бу уй мазкур қуртдан омон бўлади. Агар ялпизни қуритиб, туйиб, жунли нарса ичига солиб қўйилса қурт тушмайди.

«ЗИРОАТНОМА»дан.

АБУ АЛИ ИБН СИНО

Бошқотирма

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклга «занжир» ҳолида ёзиш билан қомусий аллома ҳаёти ва ижодига оид билимингизни синаб кўрасиз, деган умиддамиз.



1. Ибн Сино таваллуд топган қишлоқ. 2. Аллома мукаммал билган, ўз асарларини ёзган тил. 3. Ибн Сино меъдани кучайтирувчи сифатида тавсия этган, кузпишар хушбўй мева. 4. Ибн Сино эътиқод қилган ва амалларини мукаммал билган дин. 5. Коинот сирларини ўрганувчи мутахассис олим. 6. Аллома кўплаб касалликларни даволашда фойдаланиш мумкинлигини ёзган табиий малҳам. 7. «Абу Али ибн Сино» фильмини яратган таниқли кинорежиссёр. 8. Ибн Синони ўз саройига олиб, машҳур табиб сифатида эъзозлаган Журжон ҳокими. 9. Кичик илмий асар. 10. Ибн Сино чуқур ўрганган қадимги юнон олими Птолемейнинг фалакиётшунослик ва шакллар тузилишига оид асари. 11. Аллома қисқа муддат яшаган Эрондаги шаҳар. 12. Ибн Сино онасининг исми. 13. Мукаммал илм соҳиби, зиёкор мураббий сифатида Ибн Сино сазовор бўлган мартаба. 14. Ўн жилддан иборат мантиқ, илоҳиёт ҳикмат ва риёзиётга оид қомусий асар. 15. Дунёда биринчи марта Ўзбекистон ҳудудида топилиб, аллома номи билан аталган маъдан. 16. Ўтмишни ўрганувчи фан. 17. Ибн Сино нажот истаб, етти йил яшаган диёр. 18. Тафаккур шакли, дил ва тил бирлигининг ифодаси. 19. Ибн Синонинг табобатга оид машҳур асарининг қисқача номи. 20. Алломага илм берган илк устози ва ўз даврининг ҳакими ва файласуфи. 21. Воқеа-ҳодисаларнинг ёзма қайдномаси. 22. Ибн Синонинг отаси, ўша даврдаги «Ҳурмитон» қишлоғи ҳукмдори. 23. Фазовий шакллар ва улардаги муносабатларни ўрганувчи фан, риёзиёт илми бўлими.

МУАММОНОМА

Аввал қуйида таърифланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг:

1. Аллома яшаган Хоразм юрти пойтахти — 4, 6, 10, 4, 2, 1, 25.
2. Ўзбекистон халқ шоири Уйғуннинг «Абу Али ибн Сино» шеърий драмаси қаҳрамони — 20, 21, 23, 8, 24, 7, 2, 22, 21, 7.
3. Ибн Сино асарларини ўрганган XV аср ўзбек мунажжими, давлат арбоби — 6, 7, 6, 16, 24, 11, 14.
4. Алломанинг табобат масалаларини назм билан ифодалаб берган асари — 6, 10, 17, 6, 9, 2.
5. Ибн Сино умрининг сўнгги йилларини ўтказган ва унга мақбара ўрнатилган Эрондаги шаҳар — 23, 2, 22, 2, 5, 21, 1.
6. Таъми нордон, тўқ қизил тусдаги шифобахш ҳўл мева — 19, 21, 3, 6, 19.
7. Ибн Синонинг озарбайжонлик шогирди, мутафаккир олим — 24, 2, 15, 22, 2, 1, 12, 10.
8. Тананинг марказий қон айланиши аъзоси — 18, 10, 2, 14.
9. Таомга қўшиб истеъмол қилинадиган ўсимликлар — 14, 13, 14, 2, 3.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқичдаги жавоблар асосида ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ечинг. Бунда Абу Али ибн Сино рубойиларидан бири аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН
Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимкул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11;
Бухорода -- 3-54-87;
Гулистонда -- 2-26-22;
Жиззахда -- 3-31-86;
Навоийда -- 3-75-43;
Наманганда --6-43-43;
Нукусда -- 7-58-83;
Самарқандда -- 35-22-90;
Тошкентда-- 33-54-55;
Урганчда -- 6-51-35;
Фарғонада -- 26-37-16;
Қаршида -- 3-25-79;
Қўқўрғонда -- 5-26-24.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ. Г -- 0334.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21. 40.